

9-10-2019

EUROPEAN PRACTICES SINGULARITIES IN PHD STUDY SYSTEM: CASE OF UZDOC 2.0 PROJECT

Pulatkhon Lutfullayev

Namangan State University Head of the Department of International Cooperation

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Lutfullayev, Pulatkhon (2019) "EUROPEAN PRACTICES SINGULARITIES IN PHD STUDY SYSTEM: CASE OF UZDOC 2.0 PROJECT," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 6 , Article 72.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss6/72>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

EUROPEAN PRACTICES SINGULARITIES IN PHD STUDY SYSTEM: CASE OF UZDOC 2.0 PROJECT

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

PHD TAʼLIMI TIZIMI DA EVROPA TAʼJRIBALARINING ʻZIGA XOSLIGI:

UZDOC 2.0 LOYIHXASI MISOLIDA

Лутфуллаев Пулатхон Муҳибуллаевич

Наманган давлат университети

Халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи

Аннотация. Ушбу мақолада Докторантура таълимини илмий тадқиқ этишига қаратилган Эрасмус+ дастурининг UZDOC 2.0 лойиҳаси ёриталган. Лойиҳа натижалари ва мазмуни таҳлил этилган. Ўзбекистон ва Европа мамлакатлари тажрибаси қийсий муҳокама этилган.

Калит сўзлар: Докторантура ва PhD таълими, диссертация тузилиши, докторантура ва PhD тизими, докторантура бошқаруви тизими, тадқиқот методологияси, илмий раҳбар фаолияти.

EUROPEAN PRACTICES SINGULARITIES IN PHD STUDY SYSTEM: CASE OF UZDOC 2.0 PROJECT

Pulatkhon Lutfullayev

Namangan State University

Head of the Department of International Cooperation

Abstract. In this article highlighted the Erasmus+ program's UZDOC 2.0 project which is oriented for scientifically to discussion. The project results and context analyzed. The European and Uzbekistan best practices comparatively discussed.

Key words: Doctoral and PhD study, formation the dissertation, doctoral and PhD study systems, doctoral study management, research methodology, supervisory works.

ОСОБЕННОСТИ ЕВРОПЕЙСКОЙ ПРАКТИКИ В СИСТЕМЕ ИССЛЕДОВАНИЯ PHD: ПРИМЕР ПРОЕКТА UZDOC 2.0

Пулатхон Лутфуллаев

Наманганский государственный университет

Начальник отдела международного сотрудничества

Аннотация. В этой статье рассказывается о проекте UZDOC 2.0 программы Erasmus +, который ориентирован на научное обсуждение. Результаты проекта и контекст проанализированы. Европейские и узбекские лучшие практики сравнительно обсуждены.

Ключевые слова: докторантура и докторантура, формирование диссертации, докторантура и докторантура, менеджмент докторантуры, методология исследования, надзорные работы.

Докторантура таълими кўп давлатларда мураккаб тизимга эга. Мураккаб бўлсада улар тизимлаштирилган ва ва самарали йўлга қўйилган. Бунини хорижий тажрибалар мисолида кўриш мумкин. Эрасмус+ дастурининг UZDOC 2.0 лойиҳа

айнин шу каби тажрибаларни ойданлаштиришга қаратилган лойиҳалардан бири ҳисобланади.

UZDOC 2.0 (Furthering the Quality of Doctoral Education at Higher Education Institutions in Uzbekistan) – “Ўзбекистонда докторантура таълимини ривожлантириш” мавзусидаги Эрасмус+ лойиҳаси 2016 йилнинг октябр ойидан бери давом этиб келаётган бўлиб, унда 7 та Ўзбекистон ҳамкор ОТМлари ва европалик ҳамкорлардан 6 та ОТМ иштирок этмоқдалар (<http://www.uzdoc.eu>). UZDOC 2.0 лойиҳаси 2016-2019 йилларда бажарилган бўлса, UZDOC лойиҳаси 2013-2016 йилларда бажарилган. Ҳар икки лойиҳа мазмун жиҳатдин бир-бирини тўлдирган бўлса-да, соҳада ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Ҳар икки лойиҳада ҳам докторантлар ва илмий тадқиқотчилар дуч келаётган ҳам бир масала ва муаммолар атрофлича таҳлил этилган. Докторантлар ва илмий раҳбарлар ўртасидаги муносабатлар, илмий тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш жараёнлари, мавзу танлаш жараёни, ёш тадқиқотчиларни илмий фаолиятга олиб кириш муаммолари, тадқиқотчиларда илмий фикрлаш ва илмий билиш қобилиятларини шакллантириш ва бошқа шу каби масалалар ҳамкор ОТМлардаги амалда бўлган тажрибалар ўзаро қиёсий таҳлил асосида ўрганилган.

Шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимиздаги олий таълимдан кейинги таълим тизимида ҳам бир қатор янгилик ва ўзгаришлар киритиш орқали ислоҳот жараёнлари давом этмоқда. ОАК тизимида автореферетларнинг эълон қилинишида энгилликлар берилди. Вилоятлардаги ОТМларда бир қатор Илмий Кенгашлар очилди. Биргина СамДУда 10 та йўналишда, БухДУда 4 та, ФарДУда 3 та, НамДУда 3 та, ҚорДУда 3 ва бошқа ОТМларда 1-2 тадан соҳалар бўйича Илмий кенгашлар ўз ишини олиб бормоқда. Диссертацияга қўйилган техник талаблар энгиллатилмоқда.

Илмий тадқиқот олиб боровчи ўқитувчилар учун уч хил шаклдаги докторантура таълими мавжуд. Биринчиси, тадқиқотчи таянч докторантурага кундузги шаклда ўқишга қабул қилиниши орқали таълим олиши мумкин. Бунда, докторант тўлиқ ойлик стипендия-маош билан таъминланади, асосий бириктирилган ОТМ томонидан унга маълум миқдорда сафар харажатлари (семинар ва конференцияларда қатнашиши учун) тўланади, муддатидан аввал ҳимоя қилганларга мукофот пуллари тўланади, халқаро нашрлардаги тўловлар ОТМ томонидан ўрнатилган тартибда қопланади ва ҳоказо. Иккинчиси, тадқиқотчи ишдан ажралмаган ҳолда “мустақил тадқиқотчи” сифатида докторантура таълимини олиши мумкин. Учинчиси, тадқиқотчи ўзи мустақил, асосий иш жойидан ажралмаган ҳолда диссертацияни ёзиши ва ҳимояга исталган вақт олиб чиқиши мумкин. Бундан кўринадики ҳар бир ўқитувчи ва ходимда диссертация ишини тайёрлаб ҳимояга олиб чиқиш имконияти мавжуд.

Лекин Ўзбекистондаги олий таълимдан кейинги таълим тизимида ёш ўқитувчиларни илмий фикрлаш ва илмий билиш қобилиятларини шакллантиришга қаратилган ўқув курслари (post-graduate courses), илмий тадқиқот методологияси ва тадқиқот олиб бориш услублари (research methodology) бўйича ўқув фанлари мавжуд эмас. Бундай фанлар дунё тажрибасида кенг қўлланилиб, тадқиқотчида (ёки тадқиқотчиликни бошлаётган шахсда) илмий муаммоларни

аниқлаш, уларни диссертацион таклифга (research proposal) айлантириш, тажриба синов усулларини ўзлаштириш, тажриба синов натижаларини миқдорий таҳлил (Quantitative analyses) ва мазмуний таҳлил (Qualitative analyses) қила олиш компетенцияларини шакллантирилади. Бу ёндашув тадқиқотчининг мавзуни ва режани тузиши, илмий раҳбарни аниқлаши, тажриба синов майдонини ўзи мустақил аниқлаши учун катта туртки бўлади. Масалан, John W.Creswell муаллифлигида яратилган “Educational Research: Planning, Conducting, and Evaluating Quantitative and Qualitative Research” мавзусидаги китоби педагогика ва таълим менежменти соҳасида тадқиқот бошлаётган докторантлар учун мажбурий дарслик ҳисобланади ва ўзлаштириш охирида якуний имтиҳон топширилиши белгиланган. Бундан ташқари, хорижий ОТМларда аксарият PhD диссертациялар инглиз тилида ёзилишини ҳисобга олиб тадқиқотчиларга “Илмий ёзув” (Academic writing) фани татбиқ этилган. Бу фан асосан инглиз тилида илмий терминларни тўғри ишлатиш, илмий жумлалардан самарали фойдаланиш, матнни диссертацион кўринишга келтириш, тадқиқот олиб боришда мавжуд тафаккурларни инглиз тилида ёзма ҳолатга келтиришда муҳим кўникмаларни беради.

Юқорида таъкидланганидек лойиҳа давомида докторантура таълимининг бир қатор масалалари бўйича таҳлилий ишлар олиб борилди:

1. Илмий фикрлаш ва илмий билиш қобилиятларини шакллантириш. Бу масала юзасидан лойиҳа давомида Кардиф университети (Англия) профессори Kenneth Wann, Загреб университети (Хорватия) профессори Melita Kovacevic, Лозанна университети (Швейцария) профессори Jacques Lanages иштирокида 200 дан ошиқ ёш тадқиқотчиларга мастер класс ва тренинглар ташкил этилди. Бунда, тадқиқотчининг илмий йўналтиришга қаратилган кўникмалар, маҳоратлар трансфери (transfereble skills), тадқиқотнинг дастлабки режаси (research design), диссертацион таклиф (research proposal) тайёрлаш, илмий гипотезаларнинг шаклланиши, илмий тадқиқот олиб бориш компетенциялари, адабиётлар таҳлили (literature review) каби мавзуларга қаратилди.
2. Докторантлар ва илмий раҳбарлар ўртасидаги муносабатлар. Бунда тадқиқотчининг илмий раҳбар танлашдаги маҳоратлари, нетворкинг (networking) жараёнлари, тадқиқотчининг масъулиятлари, илмий раҳбар (supervisor) жавобгарлиги, илмий раҳбар томонидан тадқиқотчига тўғри йўл кўрсата олиш қобилиятининг (proper guidance) шаклланиши, вақтдан самарали фойдаланиш (Time management) каби кўникмаларга қаратилган тренинглар ўтказилди.
3. Диссертациянинг формулировкаси (матн тузилиши). PhD диссертацияси ҳажмига қўйиладиган талаб (одатда ўртача 80000-100000 сўздан иборат бўлади), кириш (Introduction), боблар (Chapters), маълумотлар йиғиш методологияси (Methodology), маълумотлар таҳлили ва уларнинг интерпретацияси (Data analyses and interpretation), тадқиқот натижалари бўйича хулосалар ва тавсиялар (Summary, Conclusions, and Recommendation), буларнинг барчаси диссертация формуловкасига қўйилган талабларнинг кенг тарқалган варианты ҳисобланади. Лойиҳа давомида ёш тадқиқотчиларга бу ҳақида атрофлича ва таҳлилий маълумотлар етказилди.

4. Ишлаб чиқариш учун PhD (industrial PhD) кадрлар тайёрлаш тажрибалари. Европа тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки PhD даражасига эга бўлганларнинг 40-50 фоизи ишлаб чиқариш ва саноатда ишламоқда. Лойиҳа доирасида Ўзбекистон шароитида PhD тадқиқотларини саноат билан боғлаш ва саноат соҳасида PhD даража олганлар сонини кўпайтириш имкониятлари ўрганиб чиқилди.

5. PhD таълими тизимини бошқаришнинг Европа тажрибалари. Биргина Брюссель озод университетида 3600 та тадқиқотчилар мавжуд эканлиги ва уларнинг 2000 таси кундузги шаклдаги докторант талабалар эканлигини ҳисобга олинса докторантура таълими кўламининг кенглигини тасаввур қилиш мумкин. Бу университетдаги олиб борилаётган тадқиқотларнинг 38 фоизи аниқ фанлар ва технология соҳасида, 36 фоизи гуманитар ва ижтимоий соҳада, 24 фоизи медицина соҳасида, 2 фоизи санъат соҳасини ташкил этади. PhD таълими одатда 4 йил давом этади ва унда иккинчи йили тадқиқот иши ва илмий раҳбар фаолияти Кенгаш томонидан танқидий ўрганиб чиқилади. Ўрганиш натижасида “ишни давом эттириш”, “ишни бир қанча тузатишлар билан давом эттириш”, “ишни тўхтатиш” каби хулосалардан бирини танланади. Докторантура маркази барча тадқиқотлар ишлари, PhD талабалар фаолияти, илмий раҳбарлар фаолияти, тадқиқотчиларни соҳага оид фанларни ўқитиш (professional development) ишлари, маҳоратлар трансфере (transferable skills) дарслари, тадқиқотлар фаолиятини баҳоловчи кенгашлар фаолиятини тизимли бошқаради ва жараёни умуллаштиради (progress monitoring). Лойиҳа давомида Брюссель озод университети (Бельгия), Этвос Лоранд университети (Венгрия), Гранада университети (Испания) докторантура таълими марказлари билан танишиб тажрибалар таҳлил этилди.

Лойиҳанинг энг асосий натижалари этиб тўртта муҳим аҳамиятли томонларини айтиш мумкин:

1. Тренинглар. Тренинглар республикамизнинг Тошкент, Нукус, Наманган шаҳарларидаги ҳамкор ОТМларда жами 6 марта Европалик мутахассислар иштирокида ўтказилди. Шу билан бирга Европанинг Брюссель, Будапешт, Турин, Гранада, Дубровник шаҳарларидаги ҳамкор ОТМлар базасида ҳам тренинг ва семинарлар бўлиб ўтди. Жами 600дан ортиқ ёш тадқиқотчилар ва профессор-ўқитувчилар, илмий раҳбарлар иштирок этган тренинглarda докторантура масалаларига оид мавзуларда қизгин баҳс ва мунозалар олиб борилди.

2. Нетворкинг (Networking). Учрашувлар давомида нафақат тренинга қатнашиш балки, ўзбекисонлик тадқиқотчилар ва европалик профессор-мутахассислар ўртасида муҳим аҳамиятга эга бўлган алоқалар ўрнатилди. Лойиҳа ишларидан фойдаланган ҳолда 3 та PhD ва 1 та DS диссертациялари ҳимоя қилинди. Халқаро журналларда мақолалар чоп этиш бўйича муҳим кўникмалар ўрганилди.

3. Бенчмаркинг. Ўтказилган семинар тренинглар ўзаро тажриба алмашиш ва қиёсий таҳлил этиш учун муҳим платформа вазифасини бажарди. Масалан, Венгрия давлати мисолида олсак, 1984 йилдан бошлаб PhD даражаси (ёки фан номзоди) фақат ОТМлар томонидан бериш амалиёти бошланган. DS даражасини эса (1994 йилдан бошлаб) илмий унвонга айлантирилган ва у фанлар академияси томонидан талабгорнинг академик соҳада эришган ютуқлари, таълим соҳасига қўшган ҳиссаси,

илмий мақолалари асосида академия кенгашининг муҳокамаси қарори асосида берилган бошланган. Демак бундан кўринадики, академия тизимида фаолият кўрсатиш учунгина DS унвонини олиш тажрибаси шаклланган. Ёки хабилитация унвони асосан Франция, Германия, Австрия, Дания, Польша каби давлатларда мавжуд бўлса Швеция ва Финляндияда бу унвонни доцент деб қабул қилинади. Хабилитация ва доцент унвонлари PhD даражасини олган шахсга олий таълим жараёнида таълим бериш учун тўла ҳуқуқли ваколат беришини билдиради. Бундаги асосий фарқ Хабилитацияга қўйилган талаблар нисбатан кўпроқ бўлиб, баъзи давлатларда (Германия каби) махсус тайёрликдан ўтиш зурур бўлади.

4. Қўшма докторантура марказлари. UZDOC 2.0 лойиҳасининг энг асосий натижаларидан бири республикамизнинг ҳамкор ОТМлари ўртасида ўзаро виртуал алоқа ўрнатиш имконини берувчи докторантура марказлари ташкил этилди. Бунда ички IP адреслар орқали видеоконференция кўринишида барча студиялар алоқа ўрнатади ва маълум ОТМда бўлиб ўтаётган диссертация муҳокамасида бошқа ОТМлар вакиллари катнашиши ҳам таъминланади. Бундай қурилмани zoom.us дастури орқали хорижий ОТМлар билан уланган ҳолда ҳам олиб борилмоқда. Масалан, диссертация натижаларини амалиётга жорий этиш учун бу тажриба қўл келмоқда. Ушбу техникадан Наманган давлат университетида нафақат диссертация муҳокамаси балки, университетда ташкил этилган қўшма диплом берувчи факультет талабаларига Россия давлатидаги ҳамкор ОТМ профессорлари томонидан виртуал лекциялар ташкил этишда ҳам кенг фойдаланилмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, UZDOC 2.0 лойиҳаси мамлакатимизда таянч докторантура таълимини янада такомиллаштириш учун хизмат қилмоқда. Лойиҳанинг веб саҳифасида (<http://www.uzdoc.eu>) натижалар таҳлили бериб борилмоқда. Лойиҳани давом эттириш имкониятлари ишлаб чиқилмоқда ва кейинги танловга ҳужжатларни топшириш ишлари устида иш олиб борилмоқда. Лойиҳанинг тренингларида қатнашган ёш тадқиқотчиларнинг диссертация ишларида Европалик профессорларнинг илмий маслаҳатлари ўз аксини топмоқда. Ўзбекистонлик диссертантлар Европа тажрибасини янада чуқурроқ ўрганмоқда. Докторантура мактаблари ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган ва уларнинг тузилиши бўйича Европа тажрибаси ўрганилган. Докторантура марказлари бўйича эса 7 томонлама ҳужжат (Joint Doctoral Centre Strategy Document) ректорлар томонидан имзоланиб, марказ фаолиятининг самарали йўлга қўйиш, ҳимояга олиб чиқилаётган ишларни янада мукаммаллаштириш, тадқиқот натижаларини халқаро даражада жорий этишга қўмаклашиш, тадқиқотчиларни ҳар томонлама қўллаб қувватлашга келишиб олинган. Ҳозирда натижаларни республикамизнинг бошқа ОТМларига етказиш учун ЎзР ОЎМТВ билан биргаликда иш олиб борилмоқда.